

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ” КАФЕДРАСИ
«ЕР МОНИТОРИНГИ» фани**

**Мавзу: ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**



Тошкент -2019

Таълим технологияси модели

Мавзу: Ер мониторингининг назарий асослари

Вақт: 4 соат	Талабалар сони: 85 нафар
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Маъруза (ахборотли)
Маъруза режаси тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ер мониторинги тушунчаси ва мақсади. 2. Ер мониторинги мазмуни ва асосий вазифалари. 3. Ер мониторингини объекти ва субъекти. 4. Ер мониторингини юрителишнинг ҳуқуқий асослари. 5. Ер мониторингининг таркибий қисмлари. 6. Ер мониторингини юрителиш принцип (тамойил)лари ва босқичлари.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларда ер мониторинги бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш
<p>Педагогик вазифалар:</p> <p>Ер мониторинги ҳақида таништириш;</p> <p>Ер мониторинги аҳамиятини ёритиб бериш;</p> <p>Ер мониторингининг мақсади ва вазифасини тушунтириш;</p> <p>Ер мониторингининг моҳиятини очиб бериш ва ўтказиш тартибини ўргатиш.</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>Ер мониторингининг назарий асосларини ўрганадилар ;</p> <p>Ер мониторингини аҳамияти ва моҳиятини очиб беради;</p> <p>Ер мониторингининг мақсади ва вазифасини айтиб берадилар;</p> <p>Ер мониторингининг юрителиш тартибини тартибли равишда очиб берадилар.</p>
Таълим усуллари	Маъруза, ақлий ҳужум, инсерт жадвали, венна диаграммаси
Таълим шакли	Жамоавий
Таълим воситалари	Ўқув қўлланма, маъруза матни, тақдимот, техника воситалари.
Таълим ёрдамчи воситалари	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, маъруза ўтишга мўлжалланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров, тезкор-сўров ва бошқ.

Технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Талабалар давоматини аниқлаш.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиш. Машғулот режаси билан таништирилади.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини таништирилади.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	<p>2.1. Тезкор-сўров (савол-жавоб) ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштирилади.</p> <p>2.2. Машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича маъруза ва изоҳлар баён этилади.</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Ёзадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунланади, ўрганилган мавзунинг касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътибори қаратилади.</p> <p>3.2. Ўрганилган мавзу бўйича талабаларни кизиқтирган саволларга жавоб берилади.</p> <p>3.3. Ўқув иш учун топшириқ берилади ва мезонларини етказилади.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

Режа:

1. Ер мониторинги тушунчаси ва мақсади.
2. Ер мониторинги мазмуни ва асосий вазифалари.
3. Ер мониторингини объекти ва субъекти.
4. Ер мониторингини юритишнинг ҳуқуқий асослари.
5. Ер мониторингининг таркибий қисмлари.
6. Ер мониторингини юритиш принцип (тамойил)лари ва боскичлари



Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Prasad S. Thenkabail, Ph.D. Land Resources Monitoring, Modeling, and Mapping with Remote Sensing. CRC Press, Taylor and Francis group. 2015.
2. Рахмонов Қ. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТИМИ, 2008. – 155 б.
3. Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. – Москва: ГУЗ, 2000. – 283 с.
4. Rahmonov Q. Yer monitoringi. O'quv qo'llanma (yangi tahrir). Toshkent: TIQXMMI, 2017. – 140 b.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг 55-моддасига** мувофиқ ер, бошқа табиий захиралар қатори, умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Умуммиллий бойликни эса ҳеч қайси бир ер ҳуқуқи субъектлари - давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан хўжасизликларча фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Чунки ер нафақат ҳозирги авлод, балки келажак авлодларимизнинг ҳам яшаш макони, ҳам ишлаб чиқариш базисидир. Шунинг учун уни муҳофазалаш масъулиятини давлат ўз зиммасига олгандир.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун давлат ўзининг махсус ваколатланган органлари орқали қонун ҳужжатларида акс эттирилган ҳуқуқий талабларни бажарилишини назорат қилиб бориши керак бўлади. Ушбу давлат назорати ягона тизимда турувчи ***ер мониторингини тадбиқ қилишни тақазо этади.***

Мониторинг лотин тилида «**Monitor**» - кузатиш, назоратлаш, бошқариш деган маънони англатиб, у маълум бир объектлар (жумладан, табиий объектларни) ҳолатини мунтазам равишда кузатиб боришдир.


Мазкур тушунча табиий объектларга нисбатан расман 1972 йил БМТнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказган Стокгольм конференциясида илк бор ишлатилган.

ЕР МОНИТОРИНГИ ТУШУНЧАСИ

Ер мониторинги - ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида унинг ҳолатини узлуксиз кузатиб бориш тизимидан иборат.

Ер мониторингининг вазифаси тупроқнинг ҳолати бўйича тизимли кузатувларни ташкил этиш, олиб бориш ва уни унда кечаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири, тупроқдаги салбий жараёнларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Венна диаграммаси



Er tuziш

Er kadaстри


Er
monitorинги

ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ

Ер мониторингининг мақсади – ер фондини қонун талабларида белгиланган тарзда муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни давлат назоратини олиб бориш, ўз вақтида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, табиий ва антропоген характердаги ерларга салбий таъсир этувчи жараёнларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш чора-тадбирларини тавсия этишдан иборат.

Ер мониторинги - ер таркибидаги ўзгаришлар, яъни ерларнинг мақсадли фойдаланишлиги, тупроқ унумдорлиги, шўрланганлиги, эрозияга учраганлиги, ботқоқланганлиги, ифлосланганлиги, ортиқча намланганлиги ёки қуриб қолганлиги, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги, табиатни муҳофаза этиш талабларини бажармаганлигини кузатиш ва баҳолашга олади.

ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ МАЗМУНИ



ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ


Ер мониторингининг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- ▶ - ер фонди ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ▶ - давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

ОБЪЕКТИ

- ▶ Ўзбекистон Республикасининг бутун ер фонди, ер тоифалари ва ер участкаларнинг ҳуқуқий ҳолати, фойдаланиш мақсади ва характеридан қатъий назар ***ер мониторинги объекти бўлиб ҳисобланади.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ – ХУДУДИЙ БУЛИНИШИ



**Умумий фойдаланишдаги ер
майдони 44410,3 минг га**

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди

2017 йил 1 январь ҳолатига

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисобид а	Жами	Фоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388,8	45,42	4209,3	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	0,49	49,9	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	909,6	2,03	12,3	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	0,17	0,8	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	9773	21,77	33,2	0,07
7	Сув фонди ерлари	833,3	1,85	4,7	0,01
8		12678,8	28,24	2,2	0,005
	Жами ерлар:	44892,4	100,0	4312,4	9,6

ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ер мониторинги - 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори асосан жорий қилинган.

[ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ мониторинг 496 қарор.doc](#)

ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

- ❖ Ерларни комплекс рўйхатга олиш;
- ❖ Ерларнинг сифатини ўрганиш, салбий жараёнларни аниқлаш ва прогнозлаш;
- ❖ Ерларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан баҳолаш;
- ❖ Ерларнинг сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мониторинг ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади ва ер фонди тоифаларига мувофиқ бўлган қуйидаги кичик тизимларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги;
2. Аҳоли пунктлари ерлари мониторинги;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар мониторинги;
5. Тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги;
6. Ўрмон фонди ерлари мониторинги;
7. Сув фонди ерлари мониторинги;
8. _____ мониторинги.

ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

ягона классификаторлар, кодлар, метрик бирлик тизими

мониторингни юритишнинг уйғунлигини, технологиялар ва услублар бирлиги

ер мониторинги маълумотлари аниклиги ва ишончлилиги


ер мониторинги маълумотларнинг тўлаллиги

ер мониторинги юритишнинг узлуксизлиги

Ер мониторинги поғоналари


Юқори поғона

Халқаро гипер ер мониторинги




1-поғона

Локал (давлат) ер мониторинги




2-поғона

Минтақавий ер мониторинг



3-поғона

Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар буйича мониторинг



4-поғона

Ер участкалари буйича мониторинг

ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

(халқаро миқъёсда)

Халқаро миқъёсда табиий объектларни кузатиб бориш кўламига кўра ер мониторинги қуйидаги босқичларга бўлинади:

Глобал - бутун жаҳон ер фондини ва атроф муҳит муҳофазасини қамраб олади.

Регионал – минтақалар ва қитъалар миқёсида ўтказиладиган мониторинг;

Локал – давлат ёки мамлакат миқёсида ўтказиладиган мониторинг;

Регионол ва глобал мониторинглар халқаро миқёсдан олиб борилади.

ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

(республика миқъёсида)

Ҳудудий қамраб олиншига кўра ерларнинг **республика миқъёсида** қуйидаги мониторинглар амалга оширилади:

Республика мониторинги - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини қамраб олади;

Минтақавий мониторинг - физик-географик (Устюрт платоси, Орол бўйи, Пском тоғ тизмаси, Фарғона водийси, Шеробод чўли...), маъмурий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар) ва бошқа чегаралар билан чегараланган ҳудудларни қамраб олади.

Маҳаллий мониторинг – алоҳида ер участкалари ва манзара-экология комплексларини (қўриқхона, миллий боғ, буюртма қўриқхона ва шу каби алоҳида муҳофаза этиладиган объектларда) қамраб олади.

Талабалар билимини текшириш учун саволлар

1. Ер мониторинги тушунчасини айтинг?
2. Ер мониторингиниг мақсади нима ?
3. Ер мониторингининг объекти нима?
4. Ер мониторингининг субъекти кимлар?
5. Ер мониторингининг таркибий қисмлари нечта?
6. Ер мониторингини ўтказишнинг нечта йўналиши бор?
7. Ер мониторинги қайси қонун ҳужжатларига асосан юритилади?

ТОПШИРИҚ

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркибий тузилмаси

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

-мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.
-Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қондаси билан танишади. Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиш вақтида олинган маълумот яқка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:
V – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;
-- “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;
+ – янги маълумот саналади;
? – тушунарсиз қўшимча маълумот.

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

<i>V</i>	+	–	?

V – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;

– “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;

+

– янги маълумот саналади;

?

– тушунарсиз қўшимча маълумот.

***Эътиборларингиз учун
раҳмат***